

“G’ALLA-ALTEG” акциядорлик жамияти
Бошқарувининг 5 - сонли йиғилиш
БАЁННОМАСИ

« 23 » январь 2024 йил

Тошкент шаҳар

Қатнашдилар:

Бошқарув раиси - Ж.К.Хошимхонов
Бошқарув аъзолари: В.Смирнов, Қ.Т.Қувватов,
Х.Ю.Холбоев, А.М.Эшмаматов.

Таклиф қилинганлар:

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи – А.Холхўжаев
Лаборатория бошлиғи - И.Гафуров

Котиба: Ф.Артикова
Жами: 7 киши

КУН ТАРТИБИ:

Корхонада ишлаб чиқарилган омухта ем ва кепак маҳсулотларининг биржа савдоларида сотиш нарҳини қайта кўриб чиқиш тўғрисида.

Йиғилишни Бошқарув раиси Ж.К.Хошимхонов олиб бориб, йиғилиш қатнашчиларини Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Смирновнинг 2024 йил 23 январдаги билдиришнома билан мурожаат қилганини билдирди. Ушбу билдиришномада 2024 йил 23 январь куни ҳолатига Жамият омборида мавжуд жами кепак 768,51 тонна ҳамда омухта ем маҳсулотлари яъни 1817,58 тонна ГАГ-6, 1 тонна ГАГ-5, 4 тонна ГАГ-4 ва 32,2тонна ГАГ-7ни биржа савдолари орқали сотилиши сустрлашганлигини инобатга олиб, унинг сотиш нарҳини қайта белгилашга тегишли масъул ходимларга кўрсатма берилиши сўралган. Бошқарув раиси юкорида таъкидлаб ўтилган омухта ем маҳсулотлари ва кепак маҳсулоти омборда узок туриб қолиши, ушбу маҳсулотларга биржа савдоларида талаб пасайганлигини инобатга олиб, уни сотилишини жадаллаштириш ва ушбу маҳсулот сотилишидан тушган маблағни зарурий эхтиёжлар учун йўналтириш, яъни айланма маблағларни кўпайтириш ҳамда маҳсулот сифати бузилишини олдини олиш мақсадида ушбу маҳсулотнинг сотиш нарҳини қайта кўриб чиқиш яъни тушириш таклифини берди.

Бошқарув аъзоси В.Смирнов, омбордаги мавжуд омухта ем маҳсулотини ортиқча туриб қолишини ва сифати бузилишини олдини олиш, шунингдек, Биржа савдоларида сотилаётган ўртача нарҳни инобатга олиб, корхонада ишлаб чиқарилган **1 кг омухта ем маҳсулоти учун ҚҚС билан 1700 сўм** ҳамда **1 кг кепак маҳсулоти учун ҚҚС билан 1800 сўм қилиб белгилаш** таклифини берди.

Бош бухгалтер А.Эшмаматов юқоридаги таклифлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу омухта ем маҳсулотининг янги белгиланадиган яъни туширилган нархи асосида биржа савдоларига кўйилиши мақсадга мувофиқ бўлишини, бу эса уннинг тез фурсатда сотилиши мумкинлигини, омборда ортиқча туриб қолиб зарарланишини олдини олиш, ҳамда айланма маблағ кўпайишини гапириб ўтди ва ҳисобот бўлими юқоридаги ўзгартириладиган нарх асосида омухта ем маҳсулоти ҳисобини юритишини билдириб ўтди.

Йиғилиш раиси берилган таклифларни овозга кўйди.

Маъқулладилар – 4 киши

Қаршилар - йўқ

Беътарафлар - йўқ

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, жамият бошқарувининг йиғилиши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Смирновнинг 2024 йил 23 январдаги билдиришномаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2024 йил 23 январь куни ҳолатига омборда мавжуд 1817,580 тонна ГАГ-6, 1 тонна ГАГ-5, 4 тонна ГАГ-4 ва 32,2 тонна ГАГ-7 омухта ем маҳсулотларининг Биржа савдолари орқали сотиш нархи **1 кг учун ҚҚС билан 1700 сўм** қилиб белгилансин.

3. Жамият омборида мавжуд жами 768,51 тонна кепак, шунингдек, 2024 йил 23-январдан бошлаб ишлаб чиқаришда ажратиб олинандиган кепак маҳсулотини биржа савдолари орқали сотиш нархи **1 кг учун ҚҚС билан 1800 сўм** қилиб белгилансин.

4. Бухгалтерия бўлими (А.Эшмаматов) - юқоридаги белгиланган нарх асосида омбордаги 1817,580 тонна ГАГ-6, 1 тонна ГАГ-5 ва 4 тонна ГАГ-4 ҳамда 32,2 тонна ГАГ-7 омухта ем маҳсулотларининг ҳисобини юритсин.

5. Лаборатория бошлиғи (И.Гафуров) - Омухта ем цехи омборидаги мавжуд маҳсулотнинг сифатли сақланиши бўйича назоратга олинсин.

6. Мазкур йиғилиш қарори ижро назорати Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор В.Смирнов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси

Ж.К.Хошимхонов

Котиба

Ф.Артикова